



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI UZUN TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Uzuntumani, O‘zbekistonko‘chasi7-uy.191100, tel.: (+99876)44-73-545, uzun.t@exat.uz

21 2029-yil yanvar

Қ-70 -son

Uzun sh.

Тумanning Туркистон Файзобод СИУ массивидаги туман захира ер фондидан фуқаро Абдуллаев Абдукарим Шоймордон ўғлига боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этиш учун 3,5 гектар ер майдонини узок муддатли ижарага бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6,23-моддаларига асосан, туман ҳокимлиги қошидаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2021 йил 05 январдаги 01-01/03сонли йиғилиш баёни ҳамда фуқаро А.Абдуллаевнинг аризасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Туркистон Файзобод СИУ массивида боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалигини ташкил этиш учун ўтказилган танлов натижаси бўйича туман ҳокимлиги қошидаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2021 йил 05 январдаги 01-01/03-сонли йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Танлов ғолиби Абдуллаев Абдукарим Шоймордон ўғлига фермер хўжалиги ташкил этиб, фаолият кўрсатиши учун Туркистон Файзобод СИУ массиви ер харитасининг 225, 226-дала контурларидан жами 3,5 гектар, шундан 3,5 гектар боғзор ер майдони 31 (ўттиз бир) йил муддатга ижарага берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Н.Қоракулов)га туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

4. Янги ташкил этилаётган фермер хўжалиги бошлиғи (А.Абдуллаев)га 10 кун муддат ичида туман Давлат солиқ инспекцияси, туман Статистика бўлими ва Давлат хизматлари маркази Узун туман бўлимидан рўйхатдан ўтиш ҳамда тегишли хужжатларни расмийлаштириш топширилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Н.Мажидов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳоқими

Б.Турсунов

